

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, IYUL,
№ 13-14 (571-572)

BUKHORO YOSHILARI



Ёзнинг қоқ чилласида шаҳару қишлоқлар узра, гўё, осмондан қайноқ чўғ ёғилгандек бўлди. Куз келмасиданоқ, дарахтлар барги сарғайди, сояда турган одам ҳам терга ботадиган даражада ҳаво қизиди. Уйларда ҳам, корхоналарда ҳам совутгичлар жазирамага бас келолмай қолди. Катталар қон босимидан азият чеккан бўлса, ёшлар самарали меҳнат қилишда қийналди.

Жорий йилнинг 13–19 июль кунлари юртимиз ана шундай аномал иссиқни бошдан кечирди. Бу кунларда одамларнинг иродаси ва сабр-матонати, қуёш тигида тобланди. Айниқса, кўчада савдо қилувчилар, ҳайдовчилар, йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамда очик ҳавода меҳнат қилувчилар учун осон кечмади.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлат томонидан бир қатор энгилликлар яратилди. Меҳнат муҳофазаси ва ходимлар саломатлигини таъминлаш мақсадида айрим давлат муассасалари ва мактаб-гача таълим ташкилотларида иш вақти қисқартирилди, ходимларга меҳнат таътили ёки масофадан ишлаш имко-

нияти берилди. Очик ҳавода оғир меҳнат қилаётган ишчилар учун ҳам қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Бу каби чоратadbирлар инсон қадри ва саломатлиги давлат сиёсатида устувор эканининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

- Жазираманинг кучайиши, айниқса, кичик ёшдаги болалар соғлиги учун жиддий хавф тўғдиради. Шу боис, муассасамизда тарбияланув-

чиларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини асраш мақсадида тарбия жараёнига вақтинчалик чекловлар киритилди. Бу қарор, энг аввало, болалар ва уларнинг ота-оналари манфаатини кўзлаб қабул қилинди. Тарбиячи сифатида айта оламанки, бундай кунларда болаларнинг уйда, салқин ва хавфсиз муҳитда бўлиши жуда муҳим. Биз ота-оналар билан


доимий алоқада бўлиб, болаларнинг кун тартиби, овқатланиши ҳамда кўпроқ суюқлик истеъмол қилиши юзасидан зарур тавсияларни бериб бордик, - дейди Бухоро шаҳридаги 10-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Нишона Исамова.

Иссиқ кунларда меҳнат шароитларининг энгиллаштирилиши айна муддао бўлди. Бироқ, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши аҳолининг кундалик турмушига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Айниқса, деҳқонлар учун ҳосилнинг сифатини йўқотмасдан йиғиб олиш ва истеъмолчиларга етказиш катта машаққат талаб қилди. Қуёшнинг ўткир тиги остида мева-сабзавотларни асраб-авайлаб бозорларга олиб чиққан юртдошларимиз меҳнати ҳар қандай таҳсинга муносиб.

Шунингдек, куннинг жазирама иссиғига қарамай, меҳнат бозорларига иш излаб чиққан фуқаролар ҳам рўзгор ташвишидан тўхташмади. Бу манзара-лар халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва тирикчилик учун курашиш иродасини яна бир бор намоён этди.

Жазирама билан ҳар куни юзма-юз келаётган меҳнаткаш деҳқонлар бу кунларнинг машаққатини шундай эслайди.

(Давоми 2-бетда)



“ЁШЛАРНИ КИТОБ
ЎҚИМАСЛИКДА АЙБЛАМАНГ!” 4-5

“МЕН ИШ ИЗЛОВЧИ ЭМАС,
ИШ БЕРУВЧИ БЎЛАМАН...”

Ҳар бир муваффақият замирида жасорат билан қабул қилинган қарор, тинимсиз меҳнат ва ўз кучига бўлган ишонч ётади. Оддий қишлоқ йигити Ёиёснинг эришаётган бугунги ютуқлари ўнлаб тенгдошларига имкониятни узоқдан излаш эмас, уни ўз юртингда ҳам яратиш мумкинлигининг исботидир.

Тирикчилик ташвиши кимларни не қўйларга солмаган?! Кимлардир рўзгорини бутлаш, орзу-ҳавасини амалга ошириш, яхши яшаш илинжида хорижга йўл олишини тўғри тушунамиз. Аммо, халқимизнинг “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози” деган пурмаъно гапи бежиз айтилмаган. Инсон ўз юртида ҳам астойдил пешона терини тўкиб, ишлаб, изланиб, ўз тақдирини қўли билан яратиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)





Шифохона йўлагига навбат кутиб ўтириб, ёнимдаги икки аёлнинг сўхати диққатимни тортди. “Эшитдингизми, Хитойда беморларга сунъий интеллект ташхис қўйиб, даволаётган экан. Энди ўқиган ёшларга иш қолмайди. Ҳамма жойни роботлар эгаллайди”, - деб куйиб-пишиб гапирарди улардан бири. Бу гапларни эшитиб, беихтиёр бир неча кун олдин биринчи курсда ўқийдиган танишимнинг айтганлари ёдимга тушди: “Мен кўчада ёки уйда муаммоларим бўлса, “ChatGPT” билан дардлашаман, у менга энг яқин сирдош ва маслаҳатчи”.

Бир қарашда ваҳимали ва бироз ғалати туюлган бу икки ҳолат мени ўйга толдирди. Ҳақиқатдан ҳам сунъий интеллект инсониятни ишсиз, ёлғиз ва роботларга қарам қилиб қўядими? Ёки биз шунчаки янги давр бўсағасида турибмизми?

Бугун “ChatGPT”, “Gemini”, “Sopilot” каби матнли моделлар, “Midjourney” ва “Veо” сингари визуал ҳамда видео платформа-лардан кундалик ҳаётда фаол фойдаланадиган ёшлардан бири сифатида ўз қарашим бор. Аниқроғи, сунъий интеллект иш ўринларини эгалламапти, у меҳнат бозорини буткул қайта шакллантиряпти.

Тарихга назар ташласак, ҳар бир йирик технологик инқилоб одамларда дастлаб қўрқув уйғотган. Илк автомобиллар пайдо бўлганда, от аравақашлар ишсиз қолишдан қўрқиб қолган. Компьютерлар кириб келганда эса ҳисобчилар ва котибалар хавотирга тушган. Вақт эса технология эски соҳаларни қисқартиргани билан ундан бир неча баробар кўп янги йўналишлар ва миллионлаб бўш иш ўринларини яратишини кўрсатди.

Хитой шифохоналаридаги сунъий интеллект шифокорнинг ўрнини эгаллаш учун эмас, унга кўплаб тиббий маълумотларни сониялар ичида таҳлил қилиб, аниқроқ қарор қабул қилишга ёрдам бериш учун яратилган. Зеро, энг муқаммал робот ҳам шифокорнинг беморга кўрсатадиган ҳамдардлиги ва инсоний ғамхўрлигининг ўрнини боса олмайди.

Менинг тенгдошларим бугун СИ технологияларини ўзларига яқин кўмакчи ва ҳамкор, деб билишади. Ҳозирда йирик капитал ёки улкан жамоасиз ҳам шахсий бизнесни бошлаш имкони бор. Қандай қилиб, дейсизми? Илгари янги лойиҳани бошлаш учун маркетинг, дизайн, матн ёзиш ва дастурлаш бўйича бутун бошли мутахассислар армияси керак бўларди. Бугун 18–20 ёшли талабалар “ChatGPT” ва “Sopilot” ёрдамида бизнес-режалар ёзмокда. Дастурий кодлар яратиб, ўз стартапларини ишга туширмокда. “Midjourney” ёрдамида ноодатий ва юқори сифатли дизайнлар чизаётган, нейротармоқлар орқали профессионал видеолар

тайёрлаётган ёшлар бугун глобал бозорда фрилансерлик орқали яхшигина даромад топишмокда. Улар уйда ўтириб, халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилмокда. Авваллари бир ҳафта вақт талаб қиладиган маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдимот тайёрлаш жараёнини бугунги ёшлар нейротармоқлар ёрдамида 2-3 соатда сифатли бажаришмокда. Менинг фикримча, хавотирга ўрин йўқ. Сунъий интеллект шифокорни, ўқитувчини ёки муҳандисни ишсиз қолдирмайди. Шунга қарамай, сунъий интеллектдан фойдаланишни биладиган шифокор, ўқитувчи ва муҳандис ундан фойдаланишни билмайдиган ҳамкасбларини ортда қолдириши аниқ. Роботлар инсоният ўрнини эгалламайди. Улар бизни зерикарли, бир хил такрорланадиган механик ишлардан халос қилиб, ижодий ва стратегик фикрлашмиз учун вақт совға қиладди.

Биз ёшлар ушбу технологияларни тўғри бошқариб, ўз бизнесимизни ривожлантириш имкониятига эгамиз. Зеро, “Ўзбекистон матбуоти” журнали бош муҳаррири, “Aqua Trio” IT компанияси раҳбари Артур Кан таъкидлаганларидек, виртуал оламда ё бошқарувчи бўласиз ё бошқарилувчи.

Янгиликларга қўрқув кўзи билан қараманг, токи, қадамингиздаги олов асло сўнмасин.

Дилнавоз Тўхтаева,
“БҮО” мухбири.

“МЕН ИШ ИЗЛОВЧИ ЭМАС, ИШ БЕРУВЧИ БЎЛАМАН...”

(Бошланиши 1-бетда)

Ана шундай ёшлардан бири — 26 ёшли Ғиёс Темиров. У ҳам навқирон ёшидан узоқ ўлкаларга бориб иш излашга, меҳнат миграцияси қийинчиликларини кўришга мажбур бўлганлардан. Унинг ютуғи хорижда мусофирлик азобини кўриб, ишлаб тажриба орттирганида. Бироқ йигитнинг кўнглидаги энг катта орзуи ўз юртида ҳалол меҳнати билан даромад топиш, оиласи ва яқинлари бағрида яшаб, эл-юртига наф келтириш эди.

Юрта қайтгач, Ғиёс бўш вақтини бекорчилик билан ўтказмади. Аксинча, ўз олдига аниқ мақсад қўйди: “мен иш изловчи эмас, иш берувчи бўламан!” Шу мақсад йўлида у маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Озод Саидовга мурожаат қилди. Ёшларнинг ташаббуслари-

ни кўллаб-қувватлашга қаратилган тизим доирасида Ғиёснинг бизнес ғояси атрофлича ўрганилди, унга зарур тавсиялар берилди ва амалий кўмак кўрсатилди.

Кўмак натижасида Ғиёс Темиров акционерлик тижорат “Халқ банки” Жондор филиали банк хизматлари маркази томонидан 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағини олиб, замонавий токарлик дастоҳи ва электр пайвандлаш ускуналарига эга бўлди. Бу жиҳозлар унга кўп ўтмай ўзининг токарлик-пайвандлаш цехини очишига туртки бўлди.

Бугун бу устахонада темирдан мустаҳкам буюмлар, турли металл конструкциялар, токарлик маҳсулотлари, пайвандлаш ишлари юқори сифат билан бажарилмокда. Буюртмалар сони ортиб бормокда, мижозлар

ишончи эса кундан-кунга мустаҳкамланмокда. Муҳими, Ғиёснинг меҳнати нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам наъф келтириб, у ўзи каби меҳнат миграциясидан қайтган 3 нафар тенгдошини иш билан таъминлади. Кеча хорижда иш излаб юрган ёшлар бугун ўз оиласи бағрида меҳнат қилиб, даромад топмокда.

Темировнинг бугунги эришаётган ютуқлари шуни кўрсатмокдаки, муваффақият фақат катта сармоя билан эмас, балки қатъият, меҳнатсеварлик, интилиш ва имкониятдан тўғри фойдаланиш орқали қўлга киритилади. Зеро, Ғиёс бугун ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтираётган, маҳалласининг фаол, изланувчан ёш тадбиркорига айланди.

Олим Жўраев,
журналист.

КҮЁШ ТИҒИДА ТОБЛАНГАН СИНОВ

(Бошланиши 1-бетда)

- Томорқамизда юздан ортиқ шафтоли дарахти бор. Бу йил ҳосил баракали бўлди. Аммо, бундай иссиқда уни ўз вақтида йиғиб олма-сак, сифати бузилиб, меҳнатимиз зое кетиши мумкин эди. Шунинг учун қуёшнинг аёвсиз тигига қарамай, ҳосилни териб, қутилларга жойладик ва салқин хоналарга олиб кирдик. Ростини айтсам, мевани асраб қолиш уни етиштиришдан ҳам қийинроқ бўлди, - дейди ромитанлик деҳқон йигит Муҳаммаджон Саиторов.

Табиатнинг бундай қутилмаган синовлари жамиятнинг жипслиги, одамларнинг

бир-бирига меҳр-оқибати ва ўзаро ҳамжиҳатлигини янада яққол кўрсатди.

Аномал иссиқ бир неча кун давом этган бўлса-да, у халқимизнинг сабр-матонати, меҳнатсеварлиги ва ўзаро қўллаб-қувватлаш фазилатларини яна бир бор намоён қилди. Ҳар қандай синов каби бу жазирама ҳам инсонларнинг бағрикенглиги, бардоши ва ҳаётсеварлигини синовдан ўтказди. Энг муҳими, оғир кунларда ҳам бир-бирига суянган, меҳнатдан чекинмаган халқнинг кучи ва бирдамлиги яна бир бор ўз исботини топди.

Зулфизар Мавлонова,
“БҮО” мухбири.

МАГИСТРЛИК ДИПЛОМИ — ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ЙЎЛ

Таълим инсон ҳаётини ўзгартирадиган, унинг дунёқараши ва касбий салоҳиятини оширадиган муҳим қадриятлардан биридир. Айниқса, магистратура босқичи билимларни янада чуқурлаштириш, илмий изланишлар олиб бориш ва малакали мутахассис сифатида шаклланишда алоҳида аҳамият касб этади.



Бухоро давлат Педагогика институтининг “Ёшлар боғи”-да магистратура битирувчиларининг диплом топиширош маросими тантанали руҳда ўтказилди. Байрамона безатилган масканда ташкил этилган тадбирда битирувчилар, устозлар ва яқинлар иштирок этди.

Тадбир давомида институт ректори Баҳодир Маъмуров битирувчиларни қутлаб, уларнинг илмий изланишлари, эришган ютуқлари ва келгуси фаолиятига омад тилади. Дипломларни топиширош жараёнида билдирилган самимий тилаклар тантанали кечага янада файз бағишлади.

Магистратура битирувчиси Рустам Раҳимбоев ушбу кун таассуротлари билан ўртоқлашар экан, диплом, нафақат, таълим босқичини якунловчи ҳужжат, балки, катта меҳнат ва изланишлар самараси эканини таъкидлади:

— Бугунги кун мен учун унутилмас воқеа бўлди. Қўлимга олган дипломимда устозларимизнинг меҳнати, ота-онамнинг ишончи ва ўзимнинг йиллар давомидаги изланишларим мужассам. Магистратурада тахсил олиш давомида илмий фикрлаш, янгича ёндашув ва касбий масъулиятни ўргандим. Энди олган билимларимни амалиётда қўллаб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Тантанали маросим якунида битирувчилар устозлари ва яқинлари билан эсдалик суратларига тушиб, қувончли лаҳзаларни баҳам кўрдилар. Ушбу кун уларнинг талабалик даврига чиройли якун ясаб, янги мақсадлар сари муҳим қадамга айланди.

Рушана Набиева,
Бухоро давлат
Педагогика институти
ўқитувчиси.

МЕДИАСАВОДХОНЛИК — ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

УХНТ (OSCE) ва Журналистлар Маркази томонидан "Ўзбекистонда радикаллашув ва терроризмнинг олдини олишда ижодкор ёшлар салоҳиятини ошириш" мавзусида икки кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди. Бунда журналистлар, блогерлар ва талаба-ёшлар иштирок этишди. Дарслар соҳа мутахассислари Ёқутхон Маматова, Нозима Тошпўлатова ҳамда Артур Кан томонидан олиб борилди.

Тренинг давомида иштирокчилар танқидий фикрлашни шакллантириш ҳамда ижтимоий тармоқларда хавфсиз фаолият юритиш бўйича амалий машғулотларда қатнашишди. Шунингдек, гуруҳларда ишлаб, турли вазиятларни таҳлил қилиш, ижтимоий ролик ва ахборот маҳсулотлари тайёрлаш бўйича тажриба орттиришди. Замонавий ахборот хатарлари, медиасаводхонлик ва экстремизмга қарши курашишнинг самарали усуллари муҳокама қилинди. Айниқса, психологик манипуляциялар, жамоавий босимнинг инсон онгига таъсири, радикал ғояларни эрта аниқлаш ва уларга қарши самарали мулоқот қуриш каби мавзуларга эътибор қаратилди.

Бухоро давлат университети ўқитувчиси Шамсиддин Примовнинг таъкидлашича, бу каби тренинглар бўлажак



журналистлар учун ҳам муҳим амалий кўникмаларни ривожлантиради:

— *Радикал ғояларга қарши курашишда фактларга таяниш, манбани текшириш ва медиасаводхонлик энг кучли қурол ҳисобланади. Бу тренинг ёш журналистларга ҳам назарий билим, ҳам реал вазиятларда тўғри қарор қабул қилишни ўргатди.*

Семинар якунида фаол қатнашчиларга сертификатлар топширилди.

Бундай амалий семинарлар ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ахборот майдонида масъулият билан фаолият юритиш ва экстремистик ғояларга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Зулфизар

Ҳар бир маҳалланинг ўз ҳаракатлантирувчи кучи бор. Бу куч шубҳасиз, интилувчан ёшлардир. Хусусан, маҳалла етакчилари ҳар куни хонадонлар бўйлаб юриб, ҳар бир йигит-қизнинг қувончи ва муаммоси билан яшамоқда.




Жавоҳир Тиллов,
Ғиждувон туман, Ғишти МФЙ
етакчиси.

ЯНГИ ЗАМОН ЕТАКЧИЛАРИ: СЎЗДАН АМАЛГА

Кимдир замонавий касб-хунар ўрганиш истагида бўлса, яна кимдир ўз тадбиркорлигини бошлаш ниятида. Етакчилар бу амалларда йўл кўрсатувчи ва эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида елкадош бўлишмоқда. Маҳаллаларда жорий этилаётган ИТ технологиялар, хорижий тиллар, спорт ва китобхонликка қаратилган ўнлаб лойиҳалар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга, уларни катта ҳаётга тайёрлапти.

Асосийси, бу ислохотлар ҳисоботлардаги қуруқ рақамлар эмас. Ҳар бир рақам ортида ўзгарган тақдирлар, ўз йўлини топган ёшлар, барқарор даромад манбаига эга бўлган оилалар ётибди.

Қуйида саҳифамиз орқали Ғиждувон туманида ўз сўзи ва ишига масъул бўлган, ёшларни ортидан эргаштира олаётган етакчилар фаолияти ҳамда уларнинг амалий натижалари билан яқиндан танишасиз.



Шукрулло Шамсиддинов,
Ғиждувон туман, Заргарон МФЙ
ёшлар етакчиси.

ЁШЛАР ИЖТимоий КўРСАТКИЧЛАРИ


ЁШЛАР УМУМИЙ Сони:
889 нафар
(14-30 ёш)

БАНДЛИК:

- 139** нафар расмий банд
- 129** нафар ўзини-ўзи банд қилган
- 17** нафар ИТТ
- 5** нафар ёш тадбиркор
- 5** нафар ёш фермер

ЖИНОЯТЧИЛИК:

Қизил тоифа ва жиноятчилик кўрсаткичи **0**



ЁШЛАР УМУМИЙ Сони

1 896 нафар
(0-30 ёш)

1 103 нафар
(14-30 ёш)

ТОИФАЛАШ КўРСАТКИЧИ



БАНДЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК

39 нафар ёшга имтиёзли кредитлар ажратилди

12 нафар ёш доимий ишга жойлаштирилди

ЛОЙИҲАЛАР

Мутлола **190** нафар

Устоз АИ **176** нафар

Қизлар академияси **148** нафар

Узчесс **114** нафар

ТўГАРАКЛАРГА ЖАЛБ ҚИЛИШ

355 нафар ёшлар илм-фан ва спорт тўғарақларига қамраб олинди

ЖИНОЯТЧИЛИК

Жиноятчиликка мойил **5** нафар ёш билан индивидуал иш олиб борилди.

Жиноят содир этилмади (Яшил маҳалла)

Жаҳонгир БАФОЕВ:

“ЁШЛАРНИ КИТОБ

“Buxoro yoshlari” gazetasi” студияси меҳмони –
“Kelajak bunyodkori” давлат мукофоти соҳиби, “Bukhara
Books” китоб дўкони раҳбари Жаҳонгир Бафоев.



ларнинг бўлиши савдонинг ошишига сабаб бўлади. Агар, моддий томондан қийинчилик бўлмаса, ўз-ўзидан савдо ҳам ривожланади. Фақатгина китобларнинг янгилиги эмас, дўкондаги муҳит ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дўконнинг дизайни, шунингдек, китоб жавонларининг доим саришта ва тартибли туриши китоб савдосининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Мухбир: “Bukhara Books”ни бошқа китоб дўконларидан ажратиб турадиган жиҳатлар нимада?

Жаҳонгир Бафоев: “Bukhara Books”ни ташкил этишдан асосий мақсадимиз китобни шунчаки сотиш эмас, китобхонлик муҳитини яратиш бўлган. Биз китоб дўконини ёшлар учун ўзини эркин ҳис қиладиган, янги китобларни кашф этадиган ва фикр алмашадиган масканга айлантиришга ҳаракат қиламиз. Биз учун китобхоннинг дўконга кириб, керакли китобни топиб чиқиб кетиши билан иш тугамайди. Асосийси, харидор яна қайтиб келиши, янги китоб излаши ва атрофидагиларни ҳам китоб ўқишга ундаши керак. Шу жиҳатдан, “Bukhara Books”га китобхонлик маданиятини тарғиб қилувчи лойиҳа сифатида қараймиз.

Мухбир: Бугун тренддаги айрим китоблар саёз, деган фикрлар бор. Сизнинг-ча, бу аудитория талабими ёки маркетинг таъсирими?

Жаҳонгир Бафоев: Бундай адабиётлар “сариқ адабиёт”лар, дейилади. Бу ерда иккала омил ҳам бор, деб ўйлайман. Бозор талабга қараб шаклланади, маркетинг эса айрим китобларни кенг аудиторияга тезроқ танитади. Баъзан яхши реклама қилинган китоб жуда тез оммалашади. Шунга қарамай, бу унинг мазмунан кучли эканини англатмайди. Муҳими, ёшларни китоб ўқишдан қайтармаслик, аксинча, уларнинг қизиқишидан фойдаланиб, саёз контентдан мазмунли адабиёт сари йўналтириш керак. Менимча, энг тўғри йўл китобхонни танқид қилмай, унга яхши китобларни топиш ва танлашда ёрдам бериш лозим.

(Давоми 5-бетда)

Суҳбатимиз аввалида ёш тadbirkor – китобхонлик, яъни маънавият нури тарғиботчиси Жаҳонгир Бафоевнинг ҳаёт йўлига назар ташладик. У ҳаётининг энг навқирон палласида тирикчилик мақсадида Мальта, Италия ва Швецияга йўл олган ва мусофирчиликнинг аччиқ синовларини бошидан ўтказган. Бегона юртларда идиш ювувчи, ошпаз ёрдамчиси каби турли меҳнатларни бажариб, ҳалолликнинг машаққати ва қадрини ўз ҳаётида ҳис қилган. Юрт соғинчи, бегона муҳит ва оғир меҳнат билан кечган бу даврлар унинг ҳаётида унутилмас из қолдирганини ёдга олган ҳолда суҳбатни давом эттирдик:

Мухбир: “Kelajak bunyodkori” медали билан тақдирланганингизда нималарни ҳис қилдингиз?

Жаҳонгир Бафоев: Мукофотни мухтарам Президентимизнинг ўз қўлларидан олганим менга кучли мотивация бўлди. Мен учун кутилмаган, бироқ, улкан шараф ва ишонч бўлди. Бу ютуқ мен билан бирга меҳнат қиладиган бутун жамоамизнинг ютуғи. Чунки, бизнинг лойиҳани амалга оширишда кўплаб инсонлар ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, отамнинг дуоси ва ишончи мени доимо қўллаб-қувватлаб келган. Бу мукофот мен учун эътироф ва янада катта масъулият ҳамдир. Энди бу ишончни оқлаш, китобхонликни ривожлантириш йўлида янада самарали меҳнат қилиш ва янги ютуқларга эришиш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар қиламиз.

Мухбир: Бугун ёшлар китоб ўқимаяпти, деган қарашга муносабатингиз қандай?

Жаҳонгир Бафоев: Ҳозирги ёшларни китоб ўқимайди, деб айблаб бўлмайди. Аслида, йилдан-йилга китобхонлик ривожланиб бормоқда. Бунга, мухтарам Президентимизнинг китобга ва китобхонларга бераётган эътиборлари сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2017 йилда “Ёш китобхон” танлови эълон қилинганидан сўнг китобхонлик ривожланди, нашриётлар сони ҳам анча кўпайди. 2017 йилгача Ўзбекистонда 100 га яқин нашриёт фаолият олиб борган бўлса, 2026 йилга келиб, ушбу нашриёт-

лар сони 600 тадан ошди. Ундан ташқари, 2017 йилдан 2026 йилгача бўлган даврда 27 та BYD автомобили китобхонлик танлови ғолибларига тақдим этилгани ҳам ёшларнинг китоб ўқиётганидан далолат беради.

Мухбир: Tadbirkorlik faoliyatiningizda qanday qiyinchiliklarga duch kelgansiz? Kitob biznesini boshlamokchi bulgan yoshlarga qanday tavsiya berasiz?

Жаҳонгир Бафоев: Китоб бизнеси билан шуғулланишнинг қийинчилиги, албатта, моддий томондан бўлади. Чунки, ҳар ой камида 10 та янги китоб нашр қилинади ва дўконда доим янги китоб-

Ўзбекистонда 100 га яқин нашриёт фаолият олиб борган бўлса, 2026 йилга келиб, ушбу нашриётлар сони 600 тадан ошди. Ундан ташқари, 2017 йилдан 2026 йилгача бўлган даврда 27 та BYD автомобили китобхонлик танлови ғолибларига тақдим этилгани ҳам ёшларнинг китоб ўқиётганидан далолат беради.



ЎҚИМАСЛИКДА АЙБЛАМАНГ!

(Бошланиши 4-бетда)

Мухбир: Сизнингча, лотин алиф-босидаги эҳтимолий ўзгаришлар китобхонлик ва авлодлар ўртасидаги ёзма мулоқотга салбий таъсир кўрсатадими?

Жаҳонгир Бафоев: Биринчидан китобхонлар учун китоб танловида қийинчилик бўлади. Иккинчидан, сиз айтган масала бу нашриётлар учун ҳам машаққат туғдиради. Битта китобни энг камида уч хил алифбода нашр қилишга тўғри келади. Сабаби 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар латин алифбосидаги китобларни, 30 ёшдан юқори бўлганлар эса кирилл алифбосидаги китобларни ўқишга одатланишган.

Мухбир: Келажакда “Bukhara Books”ни ривожлантириш ва китоб-хонликни тарғиб қилиш борасида қандай режаларингиз бор?

Жаҳонгир Бафоев: “Bukhara Books”
Марказий Осиёдаги етакчи, яъни дунё



таниган бренд бўлишини режалаштирганмиз ва шу ниятда ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, яқинда Буюк Британияда ўз компаниямизни очдик. Шу ўринда, ўзбек китобхонларимизни хорижий китоб муамлифлари, яъни ёзувчилар билан ҳам яллаглаштиришга эришаётганимизни

мамнуният билан айтаман. Бундан ташқари, ёшлар ишлари агентлиги ёрдамида “Bukhah books Agency” фаолияти ҳам йулга қўйилди. Ушбу агентлик орқали ўзбек адабларининг асарларини, болалар китобларини ўзбек тилидан чет тилларга таржима қилиб, дунёдаги

етақчи хорижий нашриётларга сотиш, тарқатиш ва ўзбек адабиётини дунёга танитишни мақсад қилганмиз. Ундан ташқари, Буюк Британиядаги компаниямиз ва нашриётимизнинг асосий миссияси ўзбек адабиётини чет тилларга таржима қилиб, Европа давлатларида сотиш. Ҳозирда Европада бир қанча ватандошларимиз яшаб, ўз фаолиятини олиб боришмоқда ва уларнинг фарзандлари мутолаа қилиши учун ўзбек адабиёти ёки ўзбек халқ эртақларининг инглиз тилидаги китоблари етарли эмас. Айнан, шу орқали биз уларнинг миллий ўзлигини сақлашга ёрдам берамиз. Яъни, ўзбек адабиётини ҳам танитаемиз, ҳам ўзбекистонлик бўлган ватандошларимизнинг миллий ўзлигини сақлашга ёрдам берамиз.

Сўхбатлашди: Ҳусан Ҳакимов



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

БОЛАЛАР КУЛГУСИ ЯНГРАГАН ЁЗ

Бугун Бухоро вилоятидаги ёзги оромгоҳлар болаларнинг мазмунли дам олиши, соғломлашиши ва иқтидорини ривожлантиришга хизмат қилаётган замонавий тарбия ўчоғига айланди. Бу ерда ҳар бир бола спорт, санъат, ижод, техника ва бошқа йўналишларда ўз қобилиятини намоён этиш имкониятига эга бўлмоқда.



Бухоро шаҳридаги “Заковат” оромгоҳи ҳам ана шундай масканлардан бири. Серзавқ мусобақалар, турли тадбирлар ва ижод билан банд бўлган болажонларни қўриб, беихтиёр ўз болалигингизни эслайсиз.

Жорий мавсумда 1500 нафардан ортиқ ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандлари оромгоҳларда мутлақо бепул дам олиб, давлат ғамхўрлигини ҳис этмокда. Вилоятда фаолият юритаётган 11 та стационар ва 133 та кундузги оромгоҳда 20 минг 100 нафар боланинг дам олиши ва соғломлаштирилиши ташкил этилган. Барча оромгоҳларда хавфсизлик, тиббий хизмат, сифатли овқатланиш ҳамда маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун ҳам “Келажак марказ”лари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари ҳамда маҳаллаларда турли тўғараклар ва қизиқарли тадбирлар йўлга қўйилган.

Бу ишлар ҳар бир боланинг ёзги таътили мазмунли ва фойдали ўтишига кенг имконият яратмоқда.

Оромгоҳда дам олаётган Малик Гулов билан суҳбатлашдик.

— Бу ераа келганимдан бери ҳар бир кун бошқача ўтаяпти. Эрталаб спорт машқлари, кейин турли тўғараклар, мусобақалар, кечқурун эса концертлар ва қизиқарли дастурлар бўлади. Энг муҳими, жуда кўп янги дўстлар ортирдим, — дейди у самими табассум билан.

Бухоро вилоятидаги жами ором-гоҳлар борки, жўшқинлик мужассам. Робототехника тўрагагида болалар ўз қўллари билан роботларни йиғиб, уларни дастурлаш асосларини ўрганишмоқда.

Подкаст хоналари болалар учун ижод ва эркин мулоқот майдонига айланиб, улар бу ерда микрофон олдида чиқиш қилиш, фикрни равои ёфода этиш ва суҳбат маданиятини ўрганмоқда. Бу тажриба кўплаб болаларда журналистика, суҳандонлик ва оммавий ахборот соҳаларига қизиқиш уйғотиб, келажак касбини танлашга илҳом бермоқда.

Қароқе ҳоналари, қум ҳамда LEGO ижодий майдончалари болаларнинг истеъдоди, тасаввурини ўстиради. Бу ерда яратилган ҳар бир қўшиқ, қум шакли ёки LEGO иншооти болаларнинг улкан орзулари, беғубор ҳаёллари ва келажакка бўлган ишончининг ёрқин ифодасидир.

— Мен катта бўлсам архитектор бўлмоқчиман. Шунинг учун LEGO билан оръуиймдаги шаҳарни кураяпман, — дейди Малик ҳаяжон билан.

Хунармандчилик тўғрагида эса болалар моҳир кулоллардан қадимий санъат сирларини ўрганиб, миллий хунармандчилик анъаналари, меҳнатсеварлик ва маҳоратнинг ҳақиқий қадрини англамоқда.

Болаларнинг таъкидлашича, оромгоҳлардаги ҳар бир кун янги дўстлар, янги билимлар ва унутилмас хотираларга бой ўтмоқда. Энг катта ютуқ эса қурилган бинолар ёки тадбирлар эмас, балки бола-ларнинг юзидаги табассум, кўзларидаги ишонч ва қалбида уйғонаётган орзулар-дир. Зеро, болалар бахти таъминланган жойда соғлом, билимли ва ватанпарвар авлод вояга етиб, юрт келажагига бўлган ишонч янада мустаҳкамланади.

Адолат Акрамова
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Бухоро вилояти кенгаши раиси
ўринбосари.



STEAM

БИЛАН ТАЪЛИМ
ЯНГИЛАНМОҚДА

Ромитан туманидаги 16-мактабнинг олий тоифали кимё фани ўқитувчиси Дилноза Раҳмонова кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий педагогик ёндашувлари ва юқори натижалари билан таълим тизимида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.



тажрибани ўрганиб қайтган устоз орттирган билимларини Вобкент, Пешку ва Ромитан туманларида ташкил этилган семинар-тренинглар орқали ҳамкасблари билан баҳам кўрди.


Дилноза Раҳмонова тайёрлаган ўқувчилар ҳам мунтазам равишда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Кейинги уч йил давомида улар фан олимпиадалари ва “Ал-Хоразмий” олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Устознинг меҳнати синф раҳбари сифатида ҳам ўз самарасини бермоқда. 2024-2025 ўқув йилида битирувчи синфнинг 91,4 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Кам таъминланган oilалар фарзандлари учун bepул чуқурлаштирилган машғулотлар ташкил этиб келаётган педагог таълимда тенг имкониятларни таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Касбига садоқати, изланувчанлиги ва юксак натижалари учун Дилноза Раҳмонова вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги ҳамда мактаб маъмуриятининг қатор фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалари билан тақдирланган. Бугун у ўзининг бой тажрибаси, илмий-методик изланишлари ва фидокорона меҳнати билан ёш авлодга сифатли таълим бериш йўлида самарали ишламоқда.

2008 йилдан буён педагогик фаолият юритади. 2022–2023 ўқув йилида ўқитувчилар олимпиадасининг туман bosқичида 1-ўринни қўлга киришиб, вилоят bosқичида фахрли 6-ўринни эгаллаган. Педагогнинг илмий-методик изланишлари республика миқёсида ҳам юксак баҳоланмоқда. 2025 йилда унинг “Кимё фанида 5E моделини қўллаш ва “Energy-X методи” номли методик қўлланмаси, 2026 йилда эса “Кимё фанида муаммоларни ҳал қилиш кўникмасини шакллантиришда “Уч ҳалқа методи” номли методик тавсияси республика миқёсида оммалаштиришга тавсия этилган. Ушбу ишланмалар замонавий таълим технологияларини дарс жараёнига самарали жорий этишга хизмат қилмоқда.

2025 йилда Иордания Хошимийлар Қироллигида STEAM таълими бўйича халқаро

СЕН - МУҚАДДАС
ВАТАНИМСАН,
ЎЗБЕКИСТОН

Тупроғи зар, жаннатларга дахл бўлган,
Одамлари бирдам, иноқ, аҳил бўлган,
Ёшлар бахт-у, камолига кафил бўлган,
Сен - муқаддас Ватанимсан, Ўзбекистон.

Водийларда жаннатмакон боғлари кўп,
Осмонларга тегиб турар тоғлари кўп.
Одамларин хуш, бахтиёр чоғлари кўп,
Сен - муқаддас Ватанимсан, Ўзбекистон.

Мен Темурнинг буюклигин сенда кўрдим,
Навоийнинг суюклигин сенда кўрдим,
Сенинг улўғ қудратингга амин бўлдим,
Сен - муқаддас Ватанимсан, Ўзбекистон.

Тонгларингда булбулларнинг навоси бор,
Боғларингда жаннатларнинг ҳавоси бор,
Сенда бахтнинг жаранглаган садоси бор,
Сен - муқаддас Ватанимсан, Ўзбекистон.

Сенда бордир тиллолардан тахтим менинг,
Сени суйиб улўғламоқ аҳдим менинг,
Сендек юртда туғилганим бахтим менинг,
Сен - муқаддас Ватанимсан, Ўзбекистон.

Дилафрўз Содиқова,
Бухоро Инновациялар университети
2-босқич магистранти.

Чашма



Миршодбек Ғаниев қаламида ёшлик, афсус, дўстлик, она меҳри каби ҳаётий мавзулар кенг ёритилган. Шоир инсон ҳаётида учрайдиган қийинчиликлар, қалб кечинмалари ва ҳаёт синовларини ҳеч қачон унутилмайдиган туйғулар сифатида тасвирлайди. Шеърларида инсоний орзу-хаёллар, муҳаббат, омад ва қиёматли дўстлар ҳақида самимий фикрлар ифода этилган. Она меҳри эса унинг ижодида алоҳида ўрин тутиб, меҳр-оқибат ва фарзандлик бурчининг юксак тимсоли сифатида намоён бўлади.

“БОЛАМ...” ДЕЯ
ЧАҚИРИНГ

Онажоним... Қаердасиз?
Сизсиз олам ҳувиллайди.
Эски сурат бағрида, оҳ,
Хотирангиз сақланади.

Тунлар ўтар жим ва мунгли,
Кўз ёшимга чўкаман.
Эшик очар, дея қутиб,
Сукунатга чўмаман.

Хотирамда фақат акслар -
Бахтли ўтган ўша дам.
Овозингиз нажот бўлган,
Минг зулматга қарши ҳам.

Шафқатсиз вақт қўлларингиз,
Изларини ўчирди.
Юрагимда битмас армон,
Шодликларим кўчирди.

Кутаман мен... билсам ҳамки,
Қайтмас энди у қуёш.
Сиз кетгач, оҳ, қалбим аро,
Сўнди ундаги бардош.

Агар мени эшитсангиз,
Тушларимга бир кириңг.
Бир бор яна меҳр билан:
“Болам...” дея чақиринг.

Диёра Тўйева, ўқувчи,
Бухоро шаҳри.

БОРИНГИЗГА
ШУКУР, ДЎСТЛАРИМ

Ҳаёт йўлларида мен билан юрган,
Синев тушганда ҳам елкадош турган.
Қувончимни билиб, дардимни сурган,
Қалбимга умидни қайтадан қурган,
Борингизга шукур, дўстларим.

Садоқат боғини дилимга эккан,
Оғир кун келганда, қўлимдан тутган,
Ишонч машъалини дилимга ёққан,
Сиз, умримга бахту кўрк берган,
Борингизга шукур, дўстларим.

Миршодбек Ғаниев

ОНАНГИЗ ЁНИГА
ҚАЙТИНГ

Кўзимда ёш, дардларим билан,
Айтилмоқда сизга сўзларим.
Фақат сиздан битта илтимос —
Онангизнинг ёнига қайтинг!
Тунлар бедор ухломмаяпти,
Суратдан кўзин узолмаяпти.
Дарди бор-у сизга айтолмаяпти,
Онангизнинг ёнига қайтинг!
Ўзи емай едирган — у дир,
Ўзи киймай кийдирган — у дир,
Болам, дея қайғурган — у дир,
Онангизнинг ёнига қайтинг!

ТАБИАТГА ЗАРАР ЕТКАЗГАН – ЖАЗОЛАНАДИ!

Атроф-муҳитни асраш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Дарахтлар ва яшил майдонларнинг экологик мувозанатини сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш — келажак авлод учун соғлом муҳит яратишнинг асоси саналади.



Афсуски, фуқаролар орасида табиатга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улардан бири Қорақўл тумани “Оқ олтин” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 30 ёшли Н.И. маҳалла ҳудудида 4 туп дарахтни ноқонуний равишда кесган. Оқибатда табиатга 97.155.780 сўм миқдорда зарар етказилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Н.И. муқаддам ҳам

судланган ҳамда маъмурий жавобгарликка тортилган. Ушбу ҳолат унинг қонун талабларига етарлича риоя қилмаганидан далolat беради.

Суд томонидан тўпланган далиллар, маъмурий баённома, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилиб, фуқаронинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

тегишли моддалари билан тўғри малакаланган, деб топилди.

Натижада суд қарори билан Н.И. мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлиқда айбдор, деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари, яъни 10.300.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди. Бундан ташқари, табиатга етказилган 97.155.780 сўм зарар Бухоро вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси фойдасига ундирилиши белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарахтларни ноқонуний кесиш ҳам экологик муаммоларни, ҳам давлат ва жамият манфаатларига жиддий зарар етказиши. Шундай экан, атроф-муҳитни асраш ва яшилликни кўпайтиришда ҳар биримиз масъулиятни чуқур ҳис этишимиз шарт.

**Дилмурод Қуллиев,
Жиноят ишлари бўйича
Қорақўл туман суди тергов
судьяси.**

БАНКДАН ОЛИНГАН ҚАРЗ ТУФАЙЛИ “HYUNDAI ELANTRA” ХАТЛАНДИ

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан, “Husen Susana Expedition” МЧЖ-дан АТБ “Саноат-қурилиш банк” фойдасига 154 миллион 778 минг сўмдан ортиқ қарз ундирилиши белгиланган.



Мажбурий ижро бюроси Бухоро вилояти бошқармаси томонидан қарздорга қарзни ихтиёрий равишда тўлаш учун маълум муддат берилган. Бироқ, белгиланган вақтда қарздорлик қопланмагани сабабли мажбурий ижро ҳаракатлари бошланган.

Ижро жараёнида қорхонага тегишли мол-мулклар аниқланиб, уларга таъқиқ қўйилган. Шунингдек, қорхона балансидаги “Hyundai Elantra” автомашинаси қидирувга берилган.

Қидирув тадбирлари натижасида автомашина топилиб, қарздор уни жарима майдончасига ихтиёрий топширишдан бош тортган, эвакуатор орқали олиб кетилган.

Айтиш лозимки, агар қарздорлик яқин вақтда қопланмаса, автомашина баҳоланиб, электрон аукцион савдосига чиқарилади. Тушган маблағ эса суд қарорида кўрсатилган қарзни қоплашга йўналтирилади.

Ҳозирда мазкур иш бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари давом этмоқда.

**Ихтиёр Олимов,
МИБ жамоатчилик билан алоқалар
ва ҳуқуқий-ахборот бўйича катта
инспектори.**

Ҳалоллик – банк тизимининг энг катта капитали

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ



Молиявий тизимга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, давлат сиёсатида белгиланган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ҳаётга изчил татбиқ этиш давр талаби. Шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам энг муносиб йўл. Шу мақсадда Марказий банкнинг Бухоро вилояти бош бошқармасида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Марказий банк Бухоро вилояти бош бошқармаси ҳамда вилоятдаги тижорат банклари масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда Бухоро вилояти Адлия бошқармасининг ҳуқуқий ахборот бўйича масъул ходими Беҳзод Раҳмонов “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар” мавзусида маъруза қилди. Тадбир иштирокчилари коррупцияга қарши қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият ҳамда коррупциявий хавфларнинг олдини олиш механизмлари ҳақида атрофлича маълумот олдилар.

Семинар давомида кибержиноятчиликка қарши курашиш, молиявий фирибгарликларни барвақт аниқлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва рақамли хизматлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Марказий банк Бухоро вилояти бош бошқармаси бошлиғи шундай таъкидлади:

“Коррупцияга қарши курашиш фақат назорат ёки жазо билан чекланмайди. Энг аввало, ҳар бир ходимнинг ҳалоллиги, виждони ва масъулияти бу йўналишдаги кучли қалқондир. Биз банк тизимида очиқлик, шаффофлик ва қонунийлик тамойилларини янада мустаҳкамлаш орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишни устувор вазифа деб биламиз”.

Таъкидланганидек, банк тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу каби семинарлар эса ходимларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш, коррупциявий хавфларни барвақт бартараф этиш ва соҳада ҳалоллик муҳитини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

**Акбар Авлиякулов,
Марказий банк Бухоро
вилоят бош бошқармаси
бош аудитори.**

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНГА МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ ТАЙИНЛАНДИ

Қорақўл туманида оилавий зўравонлик билан боғлиқ маъмурий иш кўриб чиқилди. Айбдорга нисбатан маъмурий қамок жазоси тайинланди. Таҳририятимизга бу ҳақда Жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман суди раиси Бобораҳим Очилов хабар берди.



Билдирилишича, Қорақўл туманида яшовчи фуқаро З.И. яшаш хонадонидан турмуш ўртоғи Н.Б. билан юзага келган келишмовчилик оқибатида унга тан жароҳати етказган. Мазкур ҳолат оилавий зўравонлик, деб баҳоланган.

Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, жабрланувчининг ўнг елка соҳасида қонталашлар аниқланган. Улар соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган энгил

тан жароҳатлари тоифасига киради.

Маълум бўлишича, ҳуқуқбузар З.И. Қорақўл туманидаги “Солур” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган ўзининг яшаш хонадонидан турмуш ўртоғи Н.Б. билан аввалдан мавжуд бўлган келишмовчилик сабабли жанжаллашган. Жавобгар шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний

енгиллик берилишини сўраган. Суд З.И.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59-моддаси, 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деган хулосага келди.

Ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, шунингдек, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, З.И. мазкур модда билан айбдор, деб топилди. Суд қарорига кўра, З.И.га 5 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланди. Шунингдек, ҳуқуқбузардан маъмурий қамокда сақлаш билан боғлиқ 309 минг сўм миқдоридаги харажатлар ундирилади, деган бўлди.



2026/2027-ўқув йили учун олий ва касбий таълим муассасаларига қабул доирасидаги тест синовлари Бухоро вилоятида белгиланган тартиб асосида давом этмоқда. Жорий йилда вилоят бўйича 30 269 нафар абитуриент тест синовларида иштирок этиши режалаштирилган бўлиб, жараёнлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вилоят бўлими (1200 ўрин) ҳамда Бухоро шаҳридаги “Семурғ” спорт мажмуасида (330 ўрин) ташкил этилган.

ТЕСТ КИТОБИНИ ЙИРТГАН АБИТУРИЕНТ, “ШПАРГАЛКА” САБАБ ЙЎҚОТИЛГАН 3 ЙИЛ: ИМТИХОН МАНЗАРАЛАРИ

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги вилоят бўлими бош мутахассиси Иззатулла Раҳмоновнинг билдиришича, 14-23 июль кунларида мўлжалланган тест синовлари давомида Бухородан 28 321 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Тест синовларида 1 948 нафар абитуриент белгиланган вақтда етиб келмаган. Вилоят бўйича ҳар бир сменада 1 530 нафар, бир кунда 3 060 нафар абитуриент тест синовларини топшириш имкониятига эга.

Таъкидланишича, жараёнларни Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ходимлари ҳамда 118 нафар гуруҳ назоратчиси назорат қилиб бормоқда.

Тест китобини йиртишга уринган абитуриент четлатилди

Мазкур тест жараёнларида низо талабларини бузиш билан боғлиқ битта ҳолат қайд этилган. Маълум бўлишича, бир нафар абитуриент тест топшириқлари китобини йиртиб, уни ташқарига олиб чиқишга уринган. Бу ҳаракат тест синовлари тартибини кўпол равишда бузиш сифатида баҳоланиб, амалдаги низо талабларига мувофиқ, абитуриент тест синовларидан четлаштирилган.

- Барча абитуриентлар учун бир хил талаблар амал қилади ва қоидаларни бузишга нисбатан мурасасиз ёндашув сақланади. Шаффофлик – асосий тамойил, - дейди Иззатулла Раҳмонов.

Тест ўтказилаётган бинолар шахсни идентификация қилиш камералари, 360 даражали видеокузатув тизими ҳамда стационар кузатув камералари билан жиҳозланган. Шу сабабли

абитуриентларнинг ота-оналари ва яқинлари тест жараёнларини test2026.uz сайти орқали онлайн кузатиш имкониятига

- Аномал иссиққа қарамай, абитуриентлар учун барча шароитлар яратилди. Бу йилги тест синовлари ҳавонинг ўта иссиқ келган кунларига тўғри келган бўлса-да, тест майдонларида салқин муҳит яратиш учун барча зарур чоралар кўрилди. Шу кунга қадар тест жараёнлари давомида абитуриентларнинг соғлиғи билан боғлиқ жиддий ҳолатлар кузатилмади, - дейди бош мутахассис.

Абитуриентлар нима дейди?

Тестдан чиққан бухоролик абитуриент Дилшод Комиловнинг айтишича, ташкил этилган шароитлар имтихонни хотиржам топширишга ёрдам берган.

- Аввалига жазирама иссиқлардан хавотирланган эдим. Лекин, залда салқин муҳит таъминланган, назорат ҳам яхши ташкил қилинган, - дейди у.

Ғиждувонлик абитуриент Шаҳноза Ҳамидова ҳам жараёнлар ҳақида ижобий фикр билдирди:

- Кириш ва текшириш жараёнлари тартибли, тўғрироғи, жуда қатъий бўлди. Шунга қарамай, ҳеч қандай тушунмовчилик кузатилмади. Имтихонни хотиржам топшириб чиқдим.

Вобкентлик абитуриент Бекзод Қодиров эса қоидаларга қатъий амал қилиш муҳимлигини таъкидлади.

- Яширмайман, 3 йил тест синовларига қиряпман. Биринчи йили ўз билимимга суянганимда эди, ҳозир 3-курсда ўқиб юрган бўлардим. Аммо, ўшанда тартибни бузганман. Тўғрироғи, “шпаргалка” билан панд еганман. Шунинг учун кимдир қайдани бузса, бу бошқаларга нисбатан адолатсизлик бўлар экан, - дейди.

эга бўлишди. Шунингдек, тест майдонлари яқинида ташкил этилган махсус кутиш ҳудудларидаги катта мониторлар орқали ҳам имтихонлар реал вақт режимида намоиш этилган. Тест синовларининг хавфсиз ва тартибли ўтишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи, Ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари доимий навбатчилик асосида хизмат олиб борган.

РОБОТОТЕХНИКАДА МУНОСИБ ЮТУҚ

Ромитанлик ёш робототехниклар
халқаро мусобақада
юқори натижа қайд этди

Ромитан туманидаги “Келажак” маркази ўқувчилари халқаро RoboWar – 2026 робототехника мусобақасида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Мазкур ютуқ ёшларнинг замонавий технологиялар ва робототехника йўналишидаги билим ҳамда салоҳияти тобора юксалиб бораётганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

2-ўрин — Озодбек Рамазонов;
3-ўрин — Шароф Шарофов.

Ғолибларни ушбу муваффақият билан самимий табриклаймиз!



“SMM МАКТАВ” ЛОЙИҲАСИ

Бухорода амалга оширилаётган “SMM maktab” лойиҳасининг навбатдаги танишув учрашуви юқори кайфият ва фаол муҳитда бўлиб ўтди.



Тадбирда 100 га яқин ёш иштирок этиб, бугунги кунда талаб юқори бўлган касблардан бири — SMM (ижтимоий тармоқлар маркетинги) йўналиши бўйича муҳим маълумотларга эга бўлдилар.

Учрашув давомида иштирокчиларга лойиҳанинг мақсади, ўқув дастури, амалий машғулотлар жараёни ҳамда курсни муваффақиятли таъминлаш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, рақамли маркетинг соҳасида муваффақият қозониш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар юза-

сидан тавсиялар ҳам тақдим этилди.

Тадбир иштирокчиларининг юқори қизиқиши ва фаоллиги натижасида 20 нафар ёш билан ўқув шартномалари имзоланди. Бу эса лойиҳага бўлган ишонч ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

“SMM maktab” лойиҳаси ёшларнинг рақамли технологиялар соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, уларни замонавий ва талаб юқори бўлган касбларга йўналтириш ҳамда мустақил даромад манбаи яратиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:

O'zbekiston yoshlar ittifoqi Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Obidjon Hamidov
Shuhrat Jumayev
Sadoqat Siddiqova
Bahodir Ma'murov
Mirshod Ochilov
Jamol Nosirov
Dilshod Yo'ldoshev

TAHRIRIYAT MANZILI:

Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:

20210000404114165001 "Agrobank"
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazetaning ushbu soni
elektron chop etildi.

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3.

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga bo'ling.